

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 31 август, № 173 (4326) • Жума

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг
16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси



БОШ МАҚСАД — ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Президент Ислам Каримов 30 август кун
«Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистонда ишлаб
чиқарилган» кўргазма экспозициялари билан танишди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодийни модернизация қилиш, хориж инвестициясини ўзлаштиришнинг юқори суратларини таъминлаш, хизмат кўрса-

Самарқанд автомобиль заводиди ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобусларини бутун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари йўлларида учратиш мумкин. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашга хизмат қилаётган ушбу автобуслар ҳам кўриниши, ҳам техник имкониятлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

— Халқимизда минг марта эшитилган бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. — деди давлатимиз раҳбари. — Кўргазманинг мақсади ҳам шу — янгиликни, энг замонавий технология ва маҳсулотларни намойиш этиш учун шароит яратишдан иборат. «Ўзэкспомарказ» бугун ана шундай имкониятга эга.

Бу ерда амалга оширилган ишларни юқори баҳолаган Президентимиз марказ фаолиятини янада такомиллаштириш



тиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли изчил ислохотлар ўз самараларини бермоқда. 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этгани, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19, пуллик хизматлар — 25,1 фоизга ўсгани, маҳсулот экспорти 39 фоизга ошгани бу борада қўлга киритилган улкан ютуқлардан яна бир далolatдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг амалдаги ифодасига пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да намойиш этилаётган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг анъанавий кўргазмасида гувоҳ бўлиш мумкин. Кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойишига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 август кун «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди.

Умумий майдони 48 гектарни ташкил этадиган «Ўзэкспомарказ» қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг истроҳат боғлари, теннис корти, кўргазма павильонларини ўз ичига олган яхлит мажмуага айланди. Эндиликда бу ерда йилга ўттизга яқин махсус, халқаро ва анъанавий кўргазмалар ташкил этиш мумкин.

Президентимиз дастлаб мамлакатимиз иқтисодийда етакчи тармоқ ҳисобланган автомобилсозлик саноати маҳсулотлари билан танишди.

Асакадаги «ЎЗДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Ласетти», «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Хусусан, 2006 йилда 140 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 170 мингдан ошishi кўтилмоқда. Корхона 2008 йили тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 200 минг данагача автомобиль ишлаб чиқарилади.

юзасидан зарур тавсиялар берди. Кўргазманинг электрон техника бўлимида энг сўнгги технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган телевизорлар, аудио ва видео аппаратлар, музлаткичлар, совутиқичлар ва бошқа мураккаб маъиший техника воситалари намойиш этилмоқда. Асосан «Roison electronics», «Zenit electronics» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бундай техника воситалари бугун қишлоқ хонадонларига кириб борди.

«Ўзкабель», «Дойче Кабель АГ Тошкент», «Андижонкабель», «Ўзэлектроаппарат», «УМТ-Радио» каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган электрон техника маҳсулотлари юқори сифати билан хорижий буюртмачиларни ҳам ўзига жалб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга қаратаётган эътибори туфайли бугун мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Эндиликда кўплаб фермерларимиз фақат хомашё етиштириш билан чекланмасдан, ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлаб, ўзи бозорга чиқармоқда.

Кўргазманинг қишлоқ ҳўжалигига оид экспозицияларини кўздан кечирган киши бежирим идишларга қадокланган шарбатлар мурабболар, гўшт ва сўт маҳсулотлари, турфа либослар, трикотаж маҳсулотларини кўриб кўзи қувонади. Дилда фахр туйғуларини туйди: «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».

«Ўзэкспомарказ» павильонлари ҳамда намойиш майдонларида янги корхоналар билан бирга катта тақрибага эга «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий, Олмалик кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Тошкент ёғ-мой комбинати», «Сино» акциядорлик жамиятлари, «Ўзал-Техсаноат» уюшмаси каби йирик корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ушбу кўргазма Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганидан яна бир далolatдир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА мухбири,
А. ТўРАЕВ олган суратлар.

Муҳтарам дўстлар!
Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг танқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришга тўла ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлимизни англаш ва топталган миллий гуруҳимизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кенгани ҳақида яхлит, ягона ва ҳолис кўз билан қараб баҳо берадиган жиҳдий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликалар ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, маънавий ва қонуний заминини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга аж-



ратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуқтан назардан баҳолаш эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991—2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддати ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик янгиликлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодий ва сиёсий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ

таълим ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислохот қилишни таъминлашда гўят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Биз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустақил совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик.

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қўйидаги беш тамойил асос қилиб олинди: биринчидан — иқтисодийнинг мафкурадан ҳолилиги ва унинг сивасдан устунилиги, Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат; иккинчидан — давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумага ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ян-

гилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

учинчидан — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан — қўли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ноҳор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш бора-сида масъул бўлиши;

бешинчидан — ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, «шок терапияси» деб аталган турли усуллардан воз кечиш. Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамisha халққа зулм ва зуравонлик, қон тўкиш ва талафотлар келтирган.

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

БҮЮК ИШЛАР САРҲИСОБИ, ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ



30 август куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг маъсул ходимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йилгилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусида маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида мамлакатимиз, халқимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини батафсил, чуқур таҳлил қилди. Келтиришда олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб берди. Йилгилишда сўзга чиққан Сенат аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Езувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова, Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари А.Рустамов ўтган 16 йил давомида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида буюк ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА).
СУРАТЛАРДА: можилсон лавҳалар,
А. ТўРАЕВ олган суратлар.

ТАНИШИНГ: «METRO GROUP»!

Тошкентда Германия Федератив Республикасининг «Metro Group» компанияси ваколатхонаси очилди.

Шу муносабат билан бўлган маросимда Ўзбекистон билан Германия ўртасида ҳамкорлик барча жабҳаларда, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг уршувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан ГФР кўплаб қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга ошириб келмоқда. Германия Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп сармоя киритган мамлакатлардан биридир. Шу кунгача юртимизда ГФР сармояси иштирокида умумий қиймати 1 миллиард еврога тенг юзга яқин лойиҳа амалга оширилди. Узаро савдо ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 324 мил-

лион АҚШ долларини ташкил этди. «Metro Group» дунёда озик-овқат ва халқ истеъмолчи маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи энг йирик компаниялардан. У ўтиздан ортиқ мамлакатда савдо тармоқларини очган.

Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан ажралаб туради, — деди «Metro Group» компанияси бошқаруви аъзоси Ф.Мюллер. — Шу боис дунёда уларга талаб катта. Компаниямиз Ўзбекистондаги ўз фаолиятини айнан мана шу йўналишда — мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича олиб боришни мўлжаллаган.

И. УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Тухфа Қўшчинорнинг қўшма корхонаси

Яккабоғ туманида яна бир қўшма корхона ташкил этилди. «Нуриддин тадбиркор» хусусий корхонаси ва Хитой Халқ Республикасидаги «Цяоцзян» заводи ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, янги корхонанинг Низоом жамғармаси 200 минг АҚШ доллари миқдорига белгиланган. Унинг 51 фоизи Ўзбекистон томонига тегишлидир. Қўшма корхонага «Етимтоғ кўрки» деган ном берилди. Бу бежиз эмас. Қўшчинор қишлоғида жойлашган ана шу корхона тоғ жинсларини қайта ишлаб, турли қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослашган. Етимтоғ бағрида эса қурилишбоп хомашё бехосибдир.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

UNIC

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

*Жамоаси татлакатимиз аҳолиси, ўз мижозлари
ва ҳатмасбларини энг қиз ва энг азиз байрам —*

*Ватанимиз
Мустақиллигининг 16 йиллиги*

билан тин дилдан туборакбод этади!

*Сизларга эзгулик ва омад, соғлиқ ва бахт,
Ўзбекистоннинг қуллаб-қамқоғи йўлидаги бунёдкорлик
фаришталарини энгдан-энг зафарлар тилаймиз!*

Байрамингиз туборак, азиз ватандошлар!

www.uzbekinvest.uz

«ЎЗДОНМАХСУЛОТ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



*Эзу юртимиз равнақи учун фидокорона
тер тўкиб меҳнат қилаётган азамат
пахтакору ғаллакорларни, соҳибкор
деҳқонларни, барча юртдошларимизни
энг улуғ, энг азиз
байрамимиз —*

*Ўзбекистон Мустақиллигининг
16 йиллиги айёми*

билан қизгин қутлайди!

*Шундай фараҳбахш, шукӯҳли кунларда
барчангизга омад ёр бўлишини тилайди.
Ҳар бир хонадон дастурхонини
ғаллакорларимиз етиштириб, новвойларимиз
қалб қўрини берган нон ҳамиша азиз қилсин!
Юртимиз осмони мусаффо бўлиб,
Мустақиллигимиз мангу бўлсин!*

«ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ

*республикаимиз кимёгарлари номидан
Ўзбекистон халқини барчамиз
учун энг улуғ, энг азиз сана —*

Ватанимиз Истиқлолининг

16 йиллик байрами

билан табриклайди!

*Эл-юртимиз омон, осмонимиз
мусаффо, Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!*

Хурматли ватандошлар!



«Асака» банки

Сизларни кириб келаётган улуг айём —

Мустақиллик куни

билан табриклайди

ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги
янги муддатли «Мустақиллик—2007»
омонатига қўйишни таклиф этади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 100 000 сўм.

Сақлаш муддати — 3 ой.

Омонатга йиллик 25% ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда берилади.

Омонатга маблағлар
2007 йил 5 сентябргача қабул қилинади.

Омонатни банкнинг барча филиалларига қўйишингиз мумкин.

«Асака» банки — маблағингизнинг сақланиши
ва кўпайишига кафолат.

Сизнинг барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Маълумот учун телефонлар:

120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.

«O`ZAGROSUG`URTA»

давлат

акциядорлик суғурта компанияси
жамоаси барча юртдошларимизни
энг улуг, энг азиз байрамимиз —

Мустақилликнинг

16 йиллик

айёми билан муборакбод этади!

Озод ва обод
Ватанимиздан
файзу барака аримасин!



«ҚУРУВЧИ» профессионал футбол клуби жамоаси



ПФК KURUVCHI

Байрамингиз муборак,
азиз юртдошлар!


кўпмиллатли Ўзбекистон халқи,
республика спорт жамоатчилиги
ҳамда барча ҳомийларини азиз
ва мўътабар шодиёна —

Мустақиллик куни

билан чин дилдан муборакбод этади!

Умумхалқ байрами арафасида
сизларга сихат-саломатлик, бахт-саодат,
хонадонларингизга тинчлик-тотувлик,
кут-барака, барча спортчиларга зафар
чўққиларини забт этишда янгидан-янги
муваффақиятлар тилаймиз.

Истиклол шодиёнаси омад, бахт-саодат,
фаровонлик тантанаси бўлиб қолсин!



ХАМКОРБАНК

АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

жамоаси барча
юртдошларимизни энг улуғ
ва энг азиз байрамимиз —

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги

билан самимий муборакбод этади!



Бошланган ҳар бир эзгу ишингизда
хайр-барака ва омад ёр бўлсин!
Истагимиз шуки, Ўзбекистон номи бахт ва эзгулик
диёри сифатида бутун оламга довруғ ёяверсин!
Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

«ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» ОАЖ

Ўзбекистон халқини республика

Мустақиллигининг
16 йиллиги

билан самимий қўплайди!

Мамлакат ривожининг муҳим босқичида барчага
янги зафарлар, мустақам соғлик, бахт ва ҳар бир
бошлаган ишида омадлар тилаймиз.



Мустақилликнинг ҳар бир куни
барчамизга қувонч ва янги
муваффақиятлар келтирсин!



Нон — ризқ-рўзимиз, бебаҳо неъмат.
Биз Истиқлол шарофати билан ғалла мустақиллигига
ва бугун халқимиз эҳтиёжига етгулик
6 миллион 250 минг тонналик хирмон уйишга эришдик.

«ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТ»


ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

фидокорона меҳнати билан ана шу улкан ва улуғ
хирмонни бунёд этган кўли қадоқ деҳқонларни, кўп минг
кишилиқ тегирмончилару новвойларни, серқуёш
диёримиз халқини энг улуғ ва энг азиз байрам —

Мустақиллик айёми билан муборакбод этади!

Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин, дон ва нон
ҳамиша тўю тантана, байрам
дастурхонларимизни
безайверсин!





GAZ GROUP
AVTODOM PLUS

Азиз ватандошлар!

GAZ савдо белгисининг Ўзбекистондаги
экслюзив дистрибьютери —
AVTODOM PLUS жамоаси

сизларни энг азиз, энг улғу байрам —
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
16 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

www.auto.uz

«ТТЗ-ТЕХНОПЛАСТИК»
Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси

бутун Ўзбекистон халқини
Мустақиллигимизнинг
16 йиллик тўйи
билан муборакбод этади!

Келгуси ишларида улкан зафарлар,
сиҳат-саломатлик, оилавий тотувликни тилаган
ҳолда Ватанимиз тараққиёти учун ўз ҳиссаларини
қўшиб келаятган юртдошларимизга
мустақиллигимиз абадий бўлсин, деймиз!

Илдам ривожланаётган бизнинг кўп тармоқли корхона мижозларининг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлидан бормоқда.

АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАР:

- тракторларни йиғиш ва қишлоқ хўжалиги техникаларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш;
- қуюв ишлаб чиқариши;
- гальваника;
- смола ишлаб чиқариш (қуюв саноати учун);
- деталларга термо қайта ишлов бериш;
- резина-техника буюмлари ишлаб чиқариш.

100142, Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 434-уй.
Телефон: (99871) 161-43-32. Факс: (99871) 161-17-28.
e-mail: technoplastik@rambler.ru

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссияси

қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябргача узайтирилганлигини маълум қилади:

- «Ўзвэгонтэмир» ОАЖнинг 90% акциялар пакети 5 953 000 (беш миллион тўққиз юз эллик уч минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестиция мажбуриятлари 8 546 500 (саккиз миллион беш юз қирқ олти минг беш юз) АҚШ долларини ташкил этади;
- «АММОФОС» ОАЖнинг 49% акциялар пакети 17 164 400 (ун етти миллион бир юз олти миш тўрт минг тўрт юз) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 27 000 000 (ийгирма етти миллион) АҚШ долларини ташкил этади.

Юқорида келтирилган акциялар пакетларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда инфорамцион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Яққа хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20 203 840 500 600 289 001;
- ҳисоб рақами 20 203 000 600 600 289 001,
- «Ипак Йўли» акционерлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлими бошқармаси, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.
- ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Илгари тендерда иштирок этган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини кучда қолдиришлари ёки ўрнига янги таклифларини ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиб 2007 йил 5 октябрда Тошкент вақти билан 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Яққа хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

State commission for conducting tenders on the sale of the state property to the foreign investors

hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till October 5, 2007 of the previously announced tenders for sale of:

- 90% shares packages of JSC «UZVAGONTAMIR» with starting bidding price not less than 5 953 000 (five million nine hundred fifty three thousand) US Dollars and investments obligations 8 546 500 (eight million five hundred forty six thousand five hundred) US Dollars;
- 49% shares packages of JSC «Ammofos» with starting bidding price not less than 17 164 400 (seventeen million one hundred sixty four thousand and four hundred) US Dollars and investments requirements 27 000 000 (twenty seven million) US Dollars.

The preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the abovementioned shares of the Companies and undertake the highest amount of investment obligations based on investment requirements of the enterprises.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case – by – Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to the account stated below.

Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001 in the JSC Innovative-commercial Bank «Ipk-Yol», TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent. S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The investors that have participated in the tender and have submitted their Bids earlier have the right to keep their Bids in force or to submit new ones instead without any additional payment before the deadlines indicated below.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on October 5, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on October 5, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th Floor Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
E-mail: ccpbuz@tps.uz

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2007 йил 3 октябрь куни соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Суд ижрочилари Каттакўрғон тумани бўлини маси томонидан савдога қўйилган, Каттакўрғон шаҳар «Сувоқова» ИЧБ (Миенкўл кўчаси, 86-уй)га қарашли қуйидаги мол-мулклар:	км./кг. Бошланғич баҳоси — 1 621 200 сўм.
1. 2х2500 КВа трансформаторлари билан «Курпа» подстанцияси. Бошланғич баҳоси — 47 385 000 сўм.	10. Металл анкерли тирговичлар — 4 та. Бошланғич баҳоси — 22 371 200 сўм.
2. «Курпа»-1 ВЛ-35КВ, АС-95 сими, 13,8/15980 км./кг. Бошланғич баҳоси — 55 930 000 сўм.	11. СК устунларидаги темир-бетон тирговичлар — 4 та. Бошланғич баҳоси — 5 997 200 сўм.
3. «Курпа»-2 ВЛ-35КВ, АС-95 сими, 13,8/15980 км./кг. Бошланғич баҳоси — 55 930 000 сўм.	12. Порталлар — 2 та. Бошланғич баҳоси — 6 470 400 сўм.
4. Металл анкерли тирговичлар (опора) — 36 та. Бошланғич баҳоси — 201 340 800 сўм.	13. Чақмоққа қарши трос — 0,8 км. Бошланғич баҳоси — 114 240 сўм.
5. СК устунларидаги темир-бетон тирговичлар — 106 та. Бошланғич баҳоси — 158 925 800 сўм.	14. «ПС-70» русумли изоляторлар — 156 та. Бошланғич баҳоси — 1 372 800 сўм.
6. Порталлар — 2 та. Бошланғич баҳоси — 6 470 400 сўм.	15. «Л. Байназар» ВЛ-35 КВ, АС-95 сими, 3,5/1351 км./кг. Бошланғич баҳоси — 4 728 500 сўм.
7. Чақмоққа қарши трос — 4,8 км. Бошланғич баҳоси — 685 440 сўм.	16. Металл анкерли тирговичлар — 7 та. Бошланғич баҳоси — 39 149 600 сўм.
8. «ПС-70» русумли изоляторлар — 1532 та. Бошланғич баҳоси — 13 481 600 сўм.	17. СК устунларидаги темир-бетон тирговичлар — 19 та. Бошланғич баҳоси — 28 486 700 сўм.
9. «Дамарик-Курпа» ВЛ-35 КВ, АС-95 сими, 1,2/463,2 км./кг. Бошланғич баҳоси — 3 159 200 сўм.	18. Чақмоққа қарши трос — 2,5 км. Бошланғич баҳоси — 357 000 сўм.
	19. «ПС-70» русумли изоляторлар — 359 та. Бошланғич баҳоси — 3 159 200 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси шу йилнинг 19 октябры ва 5 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг ҳ/р 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Узасаноатқурилишбанк»и Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошланғич баҳосининг 10 фонзи миқдоридида закатат пулларини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзилмиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38.



Ҳаяжондан титраб қоқ қўллари ҳам Мўйсафид италён кўнгил ёради: "Менинг она шахрим — Рим йўллари ҳам — Бугун Самарқандга олиб боради".

Аҳли жаҳон ер юзида икки шахарни боқий деб билади: Бири Самарқанд бўлса, иккинчиси Римдир. Бугун бу икки буюк шахарнинг санъат элчилари Регистон майдонида учрашди. Бу онлар саодатга, меҳрга, муҳаббатга лиммо-лим онлардир.



«САМАРҚАНД ВА РИМ. БИЗ ЯНА БИРГАМИЗ!»

Илло, ер юзининг сайқали, қўлар нури, қалблар сурури — Самарқанд этагига олтин дарё Зарафшон ловуллаб бош урганда, уфқлар қизариб, оташ барқашда улкан олмадай кўё уйқуга кетганда, ой тўлишиб Регистон майдони узра тўкилганда — мусика, оҳанг, тарона деб аталган икким ўз баъзини бошлади...

Бу баъз Шарқ халқлари, Фарб халқлари, Жануб ва Шимол халқларини Нурли хилкат — санъат теварагида қўли-қўлга бериб, бу хатарли, зиддиятли, лекин умидли дунёни меҳру муҳаббатга, эз-гуликка тўлдирди учин чорлади.

Қолаверса, назаримизда, ўз таваллуд айёмида Самарқанд қадимий торни қўлига олиб, Абодият ва Баршиятнинг бирлиги, яқдиллиги, биз ҳаммамиз — Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзандлари, асрлар узоклашганимиз, энди эса ҳар бир фасл яқинлашиб фасли эканлиги ҳусусида илохий кўй чалгандай бўлди...

Бинобарин, "Бу шахар қадим замонлардаёқ нафакат ушбу минтақа, балки Шарқда Хитой, Жанубда Хиндистон, Фарбда Миср ва Рим давлатлари билан савдо ва маданий алоқалар олиб борган цивилизация бешиги сифатида ҳар бир маърифатли одам, биринчи галда жаҳон илмий жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиши мумкин", — деди мамлакатимиз Президентини Самарқанд шахрининг 2750 йилгига бағйшлаган тантанали маросимдаги сўзида.

Дарвоқе, дунё цивилизацияси ҳақида гап кетганда Римда Юлий Цезар, Самарқандда соҳибқирон Амир Темурининг қўшган ҳиссасини, бу икки эрт жаҳон тарихи китобига ўз номларини шон-шухрат, қаҳармонлик ва улғулик рутбасида муҳрлаб қўйганликларини эслаш ҳам хайрли, ҳам фахрлидир. Сабаб, бундан ўн йиллар бурун давлатимиз раҳбари Италияга ташриф буюрганларидан, Юртбошимизни италияликлар соҳибқирон Амир Темури ватанидан келган, олтин юртинг янги даврдаги биринчи Президенти дея олқиллашган. Айнан шу маънода биз ҳам италияликларини жаҳон тамаддуни беши-

ғини тебратган миллат сифатида алкаганмиз. Ўзбекистон ва Италия орасидаги маъсод узок, Аммо, ўзимизни танибимизки, бизда ҳаммаша бир-биримизни ҳурмат ва

шаҳар экан, у мени хайратга солди. Гўё афсоналар маконига келиб қолгандайман. Тарихий обидаларга қараб тўймайман, уллардан кўз узолмайман. Самарқандни бизда Шарқнинг Рими дейишди. Аммо

юзлаб миллат ва элларта яшайди, лекин улларнинг барчасини бириштирадиган қудратли бир восита борки, уни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди: бу — мусика, бу — оҳанг, бу — тарона".

Шундай қилиб, қўнча шахарнинг 2750 йиллик тантаналари билан ҳамоҳангликда, беш кун мобайнида давом этган «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусика фестивали якунланди. Тантананинг ёпилиш маросимига юзлаб томошабинлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди. Гулдурок қарсақлар ва мусика садолари остида «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусика фестивали иштирокчилари саҳага чиқиб келгач, фестивалнинг галиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Унга қўра, олий мукофот — Гран-при Кувайт давлати санъаткорларига насиб этди. Жанубий Корея вакиллари биринчи, Италия ва Миср санъат усталари иккинчи, Хитой, Малайзия ва кенаяликлар учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Нуфузли анжуманда ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари ҳам топширилди. Яъни, Оруз Алиева (Озарбойжон) «Энг ёш ижрочи», Сақр Руба Муҳаммад Аҳмад (Иордания) «Энг зўр муаллифлик ижроси» номинациялари бўйича галиб деб топилди. «Анъанавий ва замонавий кўйлар талқини» йўналишида Киргизистон вакиллари галиб бўлди. Ҳамюртимиз, хонанда Гүлзода Худойназарова «Энг ёрқин овоз соҳиб» дея эътироф этилди.

Фестиваль байроғи туширилди. Халқаро мусика анжумани иштирокчилари икки йилдан сўнг яна шу ерда, мафтункор Самарқандда учрашиш ниятида хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси БШ вазирини ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

эъзоз қилганмиз, биз улларнинг борлигини, уллар бизнинг борлигимизни тасдиқлашган, тан олган, эътироф қилишган. Бугун муносабатларимиз узаро ҳамкорлик, дўстлик, маънафатли шерикчилик асосига қурилган мутлақо янги, кўп қиррали босқичга кўтарилди.

Хусусан, Самарқанднинг 2750 йиллик тантаналари ва «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусика фестивалида 10 кишидан иборат «Лучилла Галиация групп» миллий италян кўшиқлари ансамблининг иштирок этгани ҳам бежиз эмас.

Регистонда соз чалиш, қўшиқ айтиш биз ўзин қанчалик шарафли эканлигини билсангиз эди. Назаримда, асрий обидалар деворлари ҳам куй-қўшиқимизга қўшилаётгандек, жўр бўлаётгандек, — дейди гурӯҳ созандаси Салваторе Дзамбатаро. — Самарқанд мутлақо бошқача

бу қадимий шахарни илғаш, кўз билан кўриш, қалб билан тушуниш керак экан. Турғиси, Самарқандда аждоғимизнинг яромини ташлаб кетаяман.

Агар Шарқ дунёси Самарқанд, Фарб дунёси Римдан бошланса, демас Самарқанднинг 2750 йиллик тантаналари, «Шарқ тароналари» халқаро мусика анжуманига келган 51 мамлакатнинг 300 га яқин вакиллари биргаликда кўни қўлга бериб, дунёни овоз ва обод, гўзал ва нурили кенгликлар сари давват қилганлари овозаси кўрраи арзда хушхабар бўлиб тарқалишига шубҳа йўқ.

Бу хушхабарнинг дебончасида «Самарқанд ва Рим. Биз яна биргамиз!» деб ёзилса ажаб эмас. Зеро, «Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Бу ёрғу оламда тили, дини ва урф-одати турлича бўлган

Абдували ҚУТБИДИНОВ, Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



«...УНУТМАС МЕНИ БОФИМ»

Пойтахтимиздаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳақида эфиратчилар билан гап-гап.

Ёдгорлик мажмуидида анвойи гуллар эрта-лабки енгил шабадада оҳиста тебранади. Бўсув вазирига оқди. Ёдгорлик атрофидаги зиналардан тушиб келаётганлар қўлидаги гулдасталарни раъзий сағана атрофига қўйгач, тиловат қилдилар. Сўнгра «Қатогон қурбонлари хотираси» музейи томон бордилар. Музей биноси жорий йилда қайта таъмирланиб, янги-янги ҳужжатлар билан бойитилди. Улар билан танишиш асосида одамнинг кўз ўнгида даҳшатли йиллар гавдаланди. Зиёратчилар бир-бирларига алоҳида тавозе кўрсатиб, оҳиста муомала қилдилар. 14,5 гектар худудни эгаллаган ушбу даргоҳдаги оқошталлик ва орасталик кўнгилга сирли бир илохийлик бағишлайди.

«Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи Тошкентнинг энг баланд нуқтасида жойлашган, — дейди сувчи-боғбон Бахтиёр Солиҳов. — Шунинг учун энг иссиқ кунларда ҳам салқинлик ҳўки суради. Йил ўн икки ой бу ердан зиёратчилар аримайди. Улар эрк учун шахид кетган аждодларимиз жасоратини асло унутмайдилар. Утаётган ҳар бир қувончи кўнимиз учун биз уллардан абадулбарқ қардоримиз. Бугунги тинчлик замони улларнинг оппоқ орзуларидан турлган эди. Афсуски, ўзлари кўролмай кетдилар... Оқиратлари обод бўлсин.

Қатогон йилларининг совуқ нафаси етмаган хонадон йўқ ҳисоби, юртимизда. Шунинг учун ҳам бу сўз тилга олиниши биланок ҳар биримизнинг юрагимизда оғрик уйғонади. Аламли, аниқ хотиралар безовта қила бошлади. Мустабид тузумнинг беғуноқ қурбонларига айланиб отилган, ном-нишонсиз кетган ёҳуд қамоқхоналарда бир қалима илқ сўзга зор бўлиб кўз юмган жигарбандларимиз кўз ўнгимизда гавдаланди. Халқларга бахт ва тенглик ҳақида ҳавойи ваъдалар бериб, аслида уларни қўлга айлантирган соёқ тузум қулфатлари тўфайли миллионлаб беғуноқ инсонлар умри ҳазон, оилалар хонавайрон, гўдаклар етим қолганини нафакат тарих ва бугун, балки келажак авлод ҳам асло унутмайди. Улар халқимизнинг фидойи ва мато-

натли ўғил-қизлари, ҳақиқат ва адолат пойдорлиги учун курашган аждодларимиз эди. Шахид кетганлар эл-юрт озодлиги, халқимиз қадр-қиймати, ор-номуси посбонлари ва эрк учун ўзларини қурбон қилганликлари ёшларга жасоратдан сабоқ беради.

Собик шўролар тузуми қатогондан иборат эканлиги ҳақида кўп ўйлайман, — дейди андижонлик Абдураул Абдурашидов. — Бобомни эскичадан хат-саводи бўлгани ва маҳалла болаларини уйда бепул ўқитгани учун инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ қамаб юборишган экан. Шу кетганга қайтиб келмаган. Қаердалигини ҳам айтишмаган. Отам бобомнинг даратини тополмай, армон билан дунёдан ўтиб кетди. Бу армон кейинчалик мени тинч қўймади. Керакли идораларга мактублар жўнатдим. Натижа йўқ. Энди мен ҳам отамнинг армони билан кетарканманда, деб турган пайтимда, Юртбошимиз ташаббуси билан «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилаётганидан хабар топдим. Очиқли маросимида ҳам қатнашдим. Ўша кунни тушумда отамни кўрдим. Шўқр, болажоним, бобонгнинг қабрини топдим, деб хўн-хўн йилларимиз. Шундан буён ҳар йили бир келиб кетмасам кўнглим жойига тушмайди. Бу галги келишимда Ҳазрати Имом мажмуасини ҳам зиёрат қилдим. Мана шундай савоб ишларини амалга ошираётган йўлбошимиз омон бўлсин!

Ёрғу кунлар ўз-ўзидан келмаган, албатта. Унинг ортида минглаб, миллионлаб инсонларнинг хотирлашга арзғулик тақдирини ётибди. Ўтганларни хотирлаш, хабтларининг қадрига етиш керак, деган гаплар замирида инсонларни бирдамликка қорлашдек буюк мақсад мужассам. Бу ерга келган кишининг кўнгли таскин топиб кетади. Шахидлар руҳи ҳам ором олади. Зеро, қатогон қурбонлари хотираси мангуликка дахлдор.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА.

СПОРТ

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли турнирларда доимо муваффақиятли қатнашиб келади.

Ҳамюртимиз — жаҳон чемпиони

Хитой пойтахти Пекинда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам полвонларимиз шу анъанага содиқ қолишди ва мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига ўзига хос овозга ҳозирлашди. Мусобақада 84 килограммга вази тоифасида гиламга чиққан ўзбекистонлик полвон Абдул Аммаев финалгача барча рақибларини қийинликсиз мағлубиятга учратди. У халқимизни қийинликсиз мағлубиятга учратди. У халқимизни қийинликсиз мағлубиятга учратди. У халқимизни қийинликсиз мағлубиятга учратди.

3. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истомин яна галиб

Қаршида ИТР туркумига кирувчи «Челленжер» турнири низоъсига етди. Бу гал ҳам Бухородаги шундай мусобақа галиб, ҳамюртимиз Денис Истоминга тенг қолади-гани топилмади. У финалда туркиялик иқтидорли теннисчи Марсел Илханни мағлуб этиб (6:1, 6:4), бош совринни қўлга киритди. Денис учун Қаршидаги Марказий теннис корти омадли келаяпти. Илгари ҳам у икки марта «Фьючерс» турнирининг галиби бўлган эди. Жуфтликлар баҳсида австралиялик Эндру Козлов ва Адам Фвеней барча рақибларидан устун келишди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН ШАҲРИ, НАВОИЙ ШОҲҚҶЧАСИ, 30-УЙДА ЖОЙЛАШГАН «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2007 йил 31 август ва 6, 13 сентябрь кунлари соат 11.00 да куйдаги мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади:

Савдога Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2005 йил 5 майдаги 17-02-08-727-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Жалакудук туманида жойлашган «Охунбобоев момик пахта ишлаб чиқариш» ОАЖга қарашли мулклар тугатиш бошқарувчиси томонидан чиқарилмоқда.

Т/р	Мулк номи	Тавсифи	Бошланғич баҳоси (сўм)	Жойлашган манзили
1.	Ховуз ҳамда 45 та турли хил дарахтлар	2x2 м., 1984 йилда қурилган	365 800	
2.	5 донга тўқув дастгоҳи 13 та тўқув машинаси Кескич дастгоҳи «СО-7» русумли компрессор Бичиш столи Бейка (кескич) 8 та оверлок машинаси 12 та стул (корольевский) «ТХ28xМ» трактори, давлат рақами 58-93 АЖ «ТХ28xМ» трактори, давлат рақами 58-94 АЖ «Т-40» трактори, давлат рақами 98-38 АЖ «2ПТС-4-793» русумли тиркама, давлат рақами 61-02 АЖ «2ПТС-4-793» русумли тиркама, давлат рақами 61-03 АЖ «Таз-5201», давлат рақами 14-34 АНЛ «КАВЗ-3271» автобуси, давлат рақами 17 АН 903 «Зил-ММЗ-4502», давлат рақами 17 АС448 «Камаз-5410», давлат рақами 17 АС454, «ОДА3-9370», давлат рақами 46-85 АЖ тиркамаси билан «2ПТС» русумли 3 та тиркама Автотиркама	1984 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1994 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1995 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1973 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1994 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1997 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1994 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1996 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1985 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоэ 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоэ 1984 йилда ишлаб чиқарилган 1985 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1978 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоэ 1992 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1990 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1985 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1980-1993 йилларда ишлаб чиқарилган, носоэ 1980 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ	12 807 000	Охунбобоев ш., Пионер к., 9-уй
3.	Пахтани қайта ишлаш дастгоҳи	Руминияда ишлаб чиқарилган, (тўпплам) носоэ	16 341 200	
4.	Дўкон биноси	1 қаватли, 1999 йилда қурилган, қурилиш майдони 21,59 кв.м.	800 000	Охунбобоев ш., «Янги чек» МФЙ
5.	«Питатель П-1» усқунаси Транспортер ва лента «МСК» магнитстанцияси Сув ҳайдаш станцияси Универсал қозонхона Стол приставка Китоб жавони Қурилиши тугалланмаган бино	1986 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1973 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1978 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1978 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ 1990 йилда ишлаб чиқарилган 1991 йилда ишлаб чиқарилган (24мx6мx10м) 1991 йилда қурилиши бошланган	2 459 000	Жамиятнинг ёрдамчи ҳўжалигидаги ва Ибобжон филиалида
6.	«АНС/30» русумли сув насоси Темир сўри (суртак)	137 м. 159 мм.ли металл қувури билан, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, носоэ узунлиги. 84 м., 1982 йилда қурилган	1 925 000	Жанубий оламушўк кишлоғи

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда эвалат пулини РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Аска» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 2009333850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамини тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан арза ва бошқа тенгшил ҳўжатларни қабул қилиш аўдишон савдоси ўтказилишига био кун қолганда тўхтатилади. Ушбу мулклар бўйича «Идижоннома» газетасининг 2007 йил 1 августдаги 66-сонида хабарнома чоп этилган. Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86, 224-36-88.

Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил

Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

Шаҳсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GB
CPU 420/512MB/80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил

NIJRON
Манзил:
Тошкент ш.,
Лисунов к., 2-уй.
Тел.: 194-60-60.
Факс: 120-74-93.
www.nijron.uz

FUJITSU SIEMENS

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳақси операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жоников.
Навбатчи — З. Жоников.
Мусоҳиҳ — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40

Тошхирлид — 00.40

1 2 3 4 6